

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 282 (7. 371) 1990 йил 10 декабрь, душанба Баҳоси 3 тийни.

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

ТОШКЕНТ шаҳар ижроия қўмитаси кузурдаги «Услуб» бадий конструкциялаш муаммоли-эмолий марказ «Совластитали» Совет-Италия қўшма корхонасининг молларини Ватанимиз ва чет эл бозорида реклама қилишни ўз зиммасига олди. Марказ мутахассислари қўшма корхона учун иш каталогини тайёрлашга киришдилар. Каталог тўрт тилда нашр қилинади. «Совластитали» маъмур реклама фирмаси билан оғнадан бунён ҳамкорлик қилади. Фирма баъжарадиган ишлар доираси эса анча кенг. У ҳилма-хил реклама ишларини олиб боради, саноат ва ишлаб чиқариш маҳсулотларини ҳамда бинолар ички кўринишини безаш, буюм солинадиган кутилар ва халчлардан, буклетлар тайёрлаш билан шуғулланади.

## Ўзбекистон Коммунистик партияси

### XXII съездининг иккинчи босқичи тўғрисида

# А Х Б О Р О Т

8 декабрь кун Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи ўз ишнини давом эттирди. Мажлисада съездининг тайёргарлик комиссиялари номидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиблари А. И. Икромов ва Р. А. Попов ўртоқлар сўзга чиқдилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Харакат дастури ва Уставини лойиҳалари хусусида тушган мулоҳаза ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ахборот бердилар. Тузатишлар, қўшимчалар ва ўзгаришлар муҳокама

қилингандан кейин съезд Ўзбекистон Коммунистик партиясининг «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгилигини, илтимонли адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» Харакат дастурини қабул қилди, шунингдек Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Уставини тасдиқлайди. Съезд Устав жумхурият партия матбуоти саҳифаларида эълон қилингандан кейин кучга кирган деб ҳисоблансин, деган қарорин қабул этди. Съездда КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмита-

сининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов ақуловини нутқ сўзлади ва тушган саволларга жавоб қайтарди. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди ёшиқ деб эълон қилинади. Съезд ишида КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Қўмитасининг котиби Г. И. Янаев, КПСС Марказий Қўмитаси Котибиятининг аъзоси Г. Тургунова, КПСС Марказий Қўмитаси Ташкилий бўлими секторининг мудирин Н. И. Семенов қатнашдилар.

Мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий инқироз, раҳбар коммунистларга ишонч йўқолганлиги, мафкуравий соҳадаги ўпирлишлар, эртами кундан умидсизлик коммунистларнинг КПСС сафидан чиқишига асосий сабаблардан биридир. Шу йилнинг 11 ойи мобайнида бизнинг партия ташкилотимизда 42 киши КПСС аъзоллигиндан чиқди. Албатта, коммунист номидан доғ тушираётган кишилардан, порахўр усурлардан, янги дастурий ҳужжатлар ўз шахсий ахтирларини қондириш учун имконият беришига умид қилган кимсалардан халос бўлган партия ташкилотларининг фаол позициясини ҳар томонлама қўллаб-қувватласа арзийди. Бироқ партиядан чиққан орасида 10—15 йиллик ва ундан ҳам кўпроқ партия стажига эга бўлган софидил, ҳалол ишчилар ҳам бор. Ростини айтсам, шундай коммунистлар учун юрагим ачийди. Улар билан ўтказилган кўндан-кўн суҳбатлар ва тушунтиришлар ҳозирча дуруст натижа бер-

**ТОШКЕНТДАГИ ОКТЯБРЬ ИНҚИЛОБИ НОМИДА ТЕПЛОВОЗ РЕМОНТИ ЗАВОДИ ИШЧИСИ А. Г. ШАБАНОВА нутқидан**  
Бу — рус тилидаги «Ахборот» программасидир. Итиғиқо Шартномасига муносабатини равшан эмаслиги бу аҳолини айниқса мушкуллаштиради. Эҳтимол, бу ҳужжат корхоналарда, ташкилотларда муҳона қилинаётганлиги, аммо биз қандай таклифлар турини олиб, бу ҳужжатни пухталаштириш соҳасида қандай иш олиб борилаётганлиги ҳақида зарур ахборотни олмаймиз. Ўзбекистон Компартияси Уставининг лойиҳасини коммунистлар асосан қўллаб-қувватламоқдалар, бу ҳужжат коммунистлар фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб бермоқда, бироқ пухтароқ ишлаб чиқишни лозим бўлган қондалар бор. Лойиҳада бевосита бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда район, шаҳар ташкилотлари Ўзбекистон Компартиясининг таянч бўлиши, деган гап бор. Шу сабабли район пар-

тия комитети ўзи олаётган маблагларини районнинг барча коммунистлари номидан тақсимлашга ҳақли бўлиши керак, деб ўйлайман ва кўпгина коммунистлар ҳам шу фикрга қўшилишлар. Ақс ҳолда коммунистлар сайлаб қўйган ва ўз тақдирини ишона билан бир жуда муҳим масала ҳақида гапирмоқчиман. Ўзбекистондаги иқтимоий-сиёсий вазиятнинг нисбатан барқарорлиги, жумхуриятда ишлаб турган барча миллатлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, миллатлар ва халқлар ўртасидаги шайшай ҳар бир муҳим усту шароит яратиб бериш йўли — мана шунларнинг ҳаммаси кўп жихатдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўртоқ Каримов бошчилигидаги ҳозир раҳбарияти моҳирона ўтказётган сиёсатининг самарасидир. Шу сабабли ишчилар ҳозирги шароитда ўртоқ Каримов Ўзбекистон Компартиясининг бундай қоллиши керак, деган фикрини съездда айтишни мендан қатъий илтимос қилдилар.

Битта жумхурият, вилоят, корхонанинг масъулиятсизлиги оқибатида унга боғлиқ бўлган ўнлаб бошқа корхонанинг иши издан чиқа бошлар экан, ягона халқ ҳўжалик комплексини деб даъволабор ибора билан аталган ҳўжалик механизминини ишидаги салбий оқибатлар учун биз тўла-тўқис жавоб берамиз. Аммо Ўзбекистонда умуман барқарорлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлинмоқда, иқтисодиётнинг барбод бўлишига, иқтимоий муносабатларда тартибсизлик ҳўкм сурishiга йўл қўймайдиган дастакни қўлда ушлаб туришимиз. Бу — жумхурият партия қўмиталарининг ишнинг натижасидир. Улар бошқарув маҳоратини эгаллаб олишда Советларга ёрдам бериш билан бирга, турли-туман кучларини кўп жиҳатдан жипсштириб турдилар. Тошкент шаҳрининг партия ташкилоти ҳозир миллатлараро муносабатларини барқарорлашти-

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚўМИТАСИНING БИРИНЧИ КОТИБИ А. И. ФОЗИЛБЕКОВ нутқидан**  
тўқилаётганини кўриб туришимиз. Қонуний устулигини, ҳўқуқий давлат барпо этилишини таъминлаш ҳақидаги баёнотлар куруқ ваздалигига қолмоқда. Амада биз қонуларнинг ёпасига топалаётганини, итиғиқо идораларининг заифлигини кўриб туришимиз. Эҳтимол, биз жумхурият коммунистлари номидан КПСС Марказий Қўмитаси раҳбариятининг ва ўртоқ Горбачевнинг позициясини кўп масалаларда аниқроқ ва қатъийроқ бўлишини талаб қилишимиз керакдир. Янрида Компартия Марказий Қўмитаси бюросининг мажлисида биз КПСС аъзоларининг партия сафидан чиқиши масаласи хусусида ҳисоб бердик. Бундай ҳодин-

мулоҳазаларини айтиб ўтмоқчиман. Жумладан, Тошкент шаҳрининг мақоми хусусида: Тошкент шаҳар партия ташкилотини тутатичи тўғрисидаги масала билан осонгина келиша олмайдими. Мени кечирасиз, бу ерда 100 минг коммунист бор, бу масалаларни ана шундай йўл-йўлак қилиб бўлмайди. Тошкент шаҳрига онд кадрлар масалалари вилоят партия қўмитасини четлаб, бевосита Марказий Қўмита билан ҳал қилинмоқда, деган даъволар бўлди. Эҳтимол бундай қилиш нотўғридир. Хўш, кадрларни жой-жойига қўйиндан бошқа яна қайси масалалар обқоми қизиқтирапти? Бу масалаларни ҳал этишда вилоят партия қўмитасидан бирон-бир ташаббус чиққанини билмайман. Хўш, масалалар, ҳозир озиқ-овнат маҳсулотлари билан таъминланганини аҳоли қандай? Бошқа масалаларда бўлгани каби бу масалада ҳам кўп нарса вилоятга боғлиқ. Ҳозир галати вазият вужудга келмоқда. Биз ҳўқимият вазифаларини Советларга топшириш ҳақида гапирмаймиз, айна вақтида бир қўмитадан турб икки советини бошқаришни таклиф қилаймиз. Бу нарса ҳатто тузулиш жиҳатидан ҳам тўғри эмас. Шу сабабли бу масалани жиддийроқ ўйлаб кўриш керак, деган фикрдаман. Вилоят партия ташкилотининг 65 фоизини Тошкент шаҳрининг коммунистлари ташкил этади. Шунга қарамай, обқом аъзоларининг атиги 15 фоизи шаҳардан сайланган. Буни тўғри деб бўладими? Мен бошланғич партия ташкилотининг котиби бўлиб, район партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаганман, шу сабабли у ёқлама раҳбарлик — шаҳар вилоят партия қўмиталарининг ва Марказий Қўмитанинг раҳбарлиги остида ишлаш нақадар қийинлигини биламан. Бу масалаларнинг ҳаммасини одилона ҳал этиш керак.

## Ўзбекистон Совет Социалистик Жумхурияти Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ КОМПЛЕКСИ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Тўғрисида

Деҳқончилик-саноат комплексида давлат ва ҳўжалик бошқаруви вазифаларини фарқлаб қўйишга онд аниқ тадбирларни амалга ошириш, жамоат ҳўжаликларини, давлат ҳўжаликларини ва бошқа қишлоқ ҳўжалигини корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини ривожлантириш, бозор муносабатларини жорий этиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида қарор қиламан:

1. Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ ҳўжалигини давлат-кооператив қўмитасини Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ ҳўжалигини жумхурият вазирлигига — Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ ҳўжалигини вазирлигига айлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ ҳўжалигини давлат-кооператив қўмитаси кенгаши ва ҳайъатининг таклифларини қабул қилишим.
2. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ И. Ҳ. Жўрабековга янги бўлимларини ташкил этиш ва илгари Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ ҳўжалигини давлат-кооператив қўмитасига кирган бошқа тармоқ бўлимларини ўзгариштириш тўғрисида таклиф киритиш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумхуриятининг Президенти **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри, 1990 йил 8 декабрь.

## Ўзбекистон Совет Социалистик Жумхурияти Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ РЕЖАЛАШ ҚўМИТАСINI ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИҚТИСОДИЁТ ҚўМИТАСИГА АЙЛАНТИРИШ Тўғрисида

Ўзбекистон ССЖ Мустақиллиги тўғрисида эълон қилинган Декларация асосида давлат иқтисодий-иқтисодий ва илмий-техникавий сиёсатини шакллантириш, жамоат ишлаб чиқаришини ўстириш ресурслари ва мабаладирини самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли фаровонлигини яхшилаш йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, кўрсатма асосидаги режалаштиришнинг иқтисодий шакллантиришнинг бошқарилиши мақсадида ҳамда бошқариладиган бозор иқтисодиётида ўтиш шароитида замонавий бошқарув ва ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил этишнинг ўсиб бораётган аҳамиятини эътиборга олиб:

1. Ўзбекистон ССЖ Давлат режалаш қўмитасини негизда Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитаси ташкил этилсин.
2. Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитаси зиммасига: — Жумхуриятнинг табиий ва меҳнат ресурсларини, илмий-техникавий ҳамда ишлаб чиқариш имкониятини ҳисобга олиб, уш иқтисодий ва иқтимоий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган таҳминларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий кўрсаткичларини белгилаш; — Жумхуриятнинг бозор муносабатларига ўтиш сиёсатини шакллантириш ва унинг дастурлари рўёбога чиқарилишини назорат қилиш; — Асосий халқ ҳўжалик, табиий-моддий, моллий ва бошқа балансларини тузиш, катта ҳўжалик, иқтимоий ва илмий-техникавий муаммоларини ҳал этишга онд умумжумхурият дастурларини тайёрлаш; — Бошқа жумхуриятлар ва минтақалар билан ўзаро самарали ишлаб чиқариш-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш; — Ҳўжалик механизминини, халқ ҳўжалигини ривожлантириш жараёнида иқтисодий таъсир воситаларини ва усулларини такомиллаштириш вазифаларини юқлатилиши.
3. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, умумийиқтисодий комплекс раҳбари ўртоқ В. С. Хамидов бир ой муддат ичида Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитасини юқори малакали кадрлар билан бутласин ва унинг самарали ишлашини таъминласин; Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитаси қарамондаги ташкилотларини ҳисобга олиб, унинг тўғрисидаги ишоним лойиҳасини ишлаб чиқсин ва уш Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқлаши учун тақдим этсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумхуриятининг Президенти **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри, 1990 йил 8 декабрь.

### Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар

○ **ЛЕНИН** номли Тошкент Давлат дорилфунуни босма-хонасининг мақоми ўзгарди. Бундан бун у «ТОШДД» нашриётини деб аталади. Бу — шунчаки лавҳани ўзгариштириб қўйиш эмас. 1991 йилнинг январ ойидан бошлаб тўла ҳўжалик ҳисобига ўтилиши билан жамоат барқарор ишлаши учун қатъий даромадга эга бўлиши лозим. Дорилфунун босма-хонаси дарсилчилар, илмий ишлар, методик қўлланмаларини нашр қилади. Тўғри, пулнинг бир қисминини нашриётга дорилфунун ҳамда жумхурият олий ва ўрта махус таълим вазирлиги беради. Ҳозирча қоғоз етказиб бериш ҳал этилмаган бирдан-бир масала бўлиб турибди.

○ **УРТА ОСИЁ** темир йўл магистрალი меҳнаткашлари билан Афғонистон транспортчилари ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузилиди. Шартномада ўзаро манфаатли осода қўриладиган амалий алоқаларни кенгайтириш кўзда тутилган. Маъ-

кур шартнома икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқни кенгайтиришда муҳим роль ўйнабгина қолмай, Афғонистондаги хусусий фирмаларнинг мамлакатимиз худудидан ўтайдиган транзит юкларни ҳажимини кўпайтиришга ҳам қодир.

○ **«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ** янги йилда полимер материаллардан «Багги», мотороллер, мопед каби маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлайди. Бу ерда ишлаб чиқариш ана шу иш учун тайёрланмоқда. Уйинчоқларнинг ҳажми икки ёшдан етти ёшгача бўлган болалар миқоми «ҳайдай» оладиган қилиб ишланади. Дастлаб янги маҳсулотга талабни аниқлаш учун бу нарсаларни фақат бир неча минг донадан тайёрлаш мўлжалланмоқда.

○ **БУ ЙИЛ** Дамачи балиқчилик комбинатидаги Гени Турмулов бошлиқ ижарачи зевоси балиқчиларининг ови бароридан келди. Улар 37 гектар ердаги қўлларнинг ҳар гектарыдан 55 центнер зогора

балиқ ва дунгпешана балиқ тутилди. Бу тармоқдаги ўртача кўрсаткичдан ҳам, 300 гектар ерда қўллар бўлган бутун комбинатдагидан ҳам анча юқори. Комбинатдаги қўлларнинг ҳар гектарыдан 41,5 центнер балиқ тутилди. Бундай натижа йиллик топшириқни мудатидан илгари бўлжарий имконини берди. Қўлларнинг ижарига берилиши уларнинг самардорлигини кескин ошириш имконини яратди. Қўлларнинг янги, масъулиятроқ эгалари корхонага бу йил ярим миллион сўмликдан кўпроқ даромад олишга ёрдам бердилар.

Тошкент яқинида жойлашган Дамачи балиқчилик комбинати — пойтахт учун балиқ етказиб берувчи асосий корхоналардан биридир. Савдо дўконларига ҳар кун 5—6 тонна тирик балиқ жўнатилмоқда. Истеъмолчиларни қиш даврида бир меъёрда таъминлаб туриш учун қўлларда балиқ етарли.

[УТАГ мухбири].



○ **САЛТАНАТ** Тулаганова шаҳридаги 9-иниларнинг таъмирлаш корхонасида эрта йилдан бери самарали меҳнат қилиб келади. Бу мураббий ишчи томондан тайёрланган маҳсулотлар ҳамини сифатлилиги билан фарқ қилиб туради.  
**Т. Каримов сурати.**

## ТО Бугунги кун нафаси

### ЖУМХУРИЯТИМИЗДА

○ Тошкентдаги адабиётчилар уйида 1937 йилда қатғон қилинган Усмон Носир хотирасига бағишлаган кеча бўлиб ўтди.

○ Кораз вилояти Янгибозор ноҳиясининг «Ленинизм» жамоат ҳўжалигида Абдулла Қодирий Боғи Барпо этилди.

○ «Иқтисодий тарбия ва спорт — ҳамма учун». Бу жумхурият Давлат спорт қўмитаси томонидан таъсис этилган янги ассоциациянинг дастуридир. У жумхуриятда жисмоний тарбияни равоқ топширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

○ ССЖИ Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра 1990 йил январь-ноябрь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 фоизга камаяган. Биргина ноябрь ойининг ўзида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 фоизга пасайган.

○ Гардобан ноҳия партия қўмитасининг биринчи котиби лавозимда ишлаб келган 45 ёшли муҳандис Автандил Марқияни Грузия Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби қилиб сайланди.

○ Литва мустақил Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари съездида унинг номи ўзгаририлди. Эндликда у Литва Демократик меҳнат партияси деб аталади. А. Бразаускас ушбу партия раиси этиб сайланди.

### ХОРИЖДА

○ «Бирдемлик» эркин касба уюшмасининг раҳбари Лех Валенса Польша Президенти қилиб сайланди. Унга сайловда иштирок этган ҳар уч полкидан икитаси овоз берди.

○ София муниципал сўдининг 63 ёшли адлия ходими Димитр Бонгария Бош вазири қилиб тасдиқланди.

○ Таиланд Бош вазири Чатчай Чунхаван истеъфога чиқди.

○ Шаҳмат бўйича жаҳон биринчилиги учун Франциянинг Лион шаҳрида ўтказилган ўрашувнинг 18-партисидда Герри Каспаровнинг қўли баланд келди. Ҳозир у 9,5,8,5 ҳисобида Анатолий Карповдан устун келапти.

## Бугунги кун нафаси

**ТО**

Комсомол турмуши

В. П. ЧКАЛОВ номидаги тайёрасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида бу тиниб-тинчимас йилнинг жуда яхши билиши...

Бирлашма «Комсомол ойнаси» текширувларида ҳам мунтазам қатнашиб келаётган Солихжон ўзининг ҳаққонийлиги...

Мазкур корхонада ҳам бутунги кунда кадрлар масаласи муаммо эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Солихжон Файзиева бу савол сира тинчлик бермади. У ишни ўзи етакчи бўлган ташкилотдан бошлади.

Эндиликда 7-дехда маблағ энг яхши ёш ишчиларни моддий рағбатлантириш учун сарфланмоқда.

«ЮРАК ЁНМОҒИ КЕРАК!»



Бирлашма комсомол кўмитасига яна бир таклиф билан мурожаат этдик, — дейди Солихжон. — У ҳам бўлса — яна ёшларнинг моддий-маънавий манфаатдорлиги борасидаги гап-хўрлик масаласи.

Бу таклиф ҳозирча баъзи цехлар томонидан қўллаб-қувватланиб, бирлашманинг меҳнат жамоаси кенгаши ҳуқуқига ҳавола этилди.

Ҳа, Солихжон Файзиевнинг бу таклифида жон бор, албатта. Агар у рўйбега чиқса, бирлашмадаги кадрлар муаммоси ҳам барҳам топган ва корхона шўхрати ҳам бирмунча ошган бўлади.

У шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган чилангарлик цехининг пластмасса билан ишланадиган цехга қўшни эканлиги гапириб, у цехдагиларга нософ ҳаводан нафас олаётгани учун қўшимча ҳақ тўлашсини, худди шу ҳаводан нафас олаётган қўшни цехларга эса, нима учундир бундай ҳақ тўланмай келётгани каби ноҳақликлар ҳақида гапириб, худди шу масала билан бирлашма масаба уюшмаси кўмитасига мурожаат этди.

Ишлаб чиқариш — муаммосиз бўлмаслиги аниқ. Лекин, ишлаб чиқаришда Солихжон каби ўтюррак ёшларнинг ҳамма вақт топилмаётганлиги ҳам аниқ, албатта.

3. ДҲСМУХАМЕДОВА. © СУРАТДА: комсомол етакчиси Солихжон Файзиев, Ш. Сайфуддинов сурати.



© АВТОМОБИЛЛАРНИ таъмирлаш корхонасида ўз касбининг устаси бўлган қўллаб-қўлловчи ишчилар меҳнат қилишади. Улардан бири электр пайвандчи Харис Байқодир. Бу моҳир ишчи корхонанинг сифат аълочилари қаторидан ўрин олган. Т. Каримов сурати.

Қурилиш майдонларида

ҲОВЛИ ТҮЙЛАРИ ЯҚИН

АГАР ёнгида бўлса шаҳримизда ён томони ёқсимон уйлар қўллаб қурилади. Ўтган кетган маънавий чинқиндиларни босиб, соғиб ўтиб кеталми. Ёнидаги ариқнинг ичига қараб бўлмайдим. Сасиб кетган. Кошки эди, шаҳримизда бундай кўчалар, қаровсиз жойлар кам бўлса.

Янги турад жойнинг бунёдкорлари 11-баланд иморат қурилиш трестининг азаматларидир. Бошлиқ вази-фасини бажарувчи Мурод Султонов бизга қуйдагиларни гапириб берди.

— 128 хонадонга мўлжалланган бу уй 16 қаватдан иборат. У асосан ёш оилаларга мўлжалланган бўлиб қури-лиш майдони нам саҳли, яъни 300 квадрат метр ёш ўз ичига олади.

Қурилишда Аскар Шофайзиев бошлиқ қурувчилар жамоаси меҳнат қилипти. Бригадининг асосини ёшлар ташкил этади. 20 кишидан иборат бўлган жамоада иш яхши ташкил этилган. Пайвандловчи Николай Бочко ва дурадгор Геннадий Софроновлар ёшларга намуна бўлиб меҳнат қилишади.

Бинони режа бўйича йил охирига қадар фойдаланишга топширишимиз керак. Муздати нечактирмаслик учун астойдил ҳаракат қилишимиз.

Г. МАМБЕТОВА.

Озиқ-овқат дастури—амалда

ИССИҚҚИНА, МАЗАЛИГИНА

Суратли лавҳа

ЭРТА тонгда олдингидаги нон маҳсулотлари дўконидан иссиқ нон харид қилаётганимизда новвойлар меҳнати ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмиш? Саволдан ҳайрон бўлмангу, яхшиси бу ҳақда бир фикр юритиб кўринг.

Энди яна бир бошқачароқ мушоҳада. Айтайлик, эрталаб дўконингизга нон келмай қолди. Бу ҳол сурункасига бир-икки кун такрорлади. Айтинг-айтинг бунақас бўлмасини, лекин шундай ҳол рўй берган тақдирда ёруғ жаҳонингиз бир зумда қоронғу тортиб кетиши аниқ.

Биз яна шундай захматқашлар билан суҳбатлашимиз ниятида Тошкент нон бирлашмасига бора туриб бир янгиликни эшитиб қолдик. Қарамиқ, бирлашманинг нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарининг ёнига яна бир янги корхона қўшилди. Бу хушхабар бизни Куйбишев ноҳиясининг Қорасув даҳасига қорлади.

Шу ўринда яна бир янгиликни айтиб ўтиш лозим бўлади. Ушбу корхона ишга туширилиши муносабати билан янги фирма нон маҳсулотлари дўконини очиб мўлжалланмоқда.

Қорасув даҳасида қуриб битказилган бу дўконнинг бир қисми ҳозирнинг ўзидек худуд аҳолисига хизмат кўрсата бошлади. Корхона қошида ишлаб турган жажжя новвойхонанинг қўли гул новвойлари ҳар кун ишбу дўкон учун икки тонна нон маҳсулотни тайёрлаб беришляпти.

Дўкон янги йилдан бошлаб тўла ҳажмда ишга туширилган эрта тонгда кечгача танаффуссиз ишляпти. Бу ўз навбатида харидорлар учун қўлайлик туғдириб, улар истаган вақтларида дўконга харид учун киришлари мумкин. Фирма дўкони шарқ меъморчилик архитектураси асосида қурилиб безатилган.



© СУРАТЛАРДА: янги нон корхонаси учун махсус бунёд этилган фирма магазинининг ишга туширилган қисмида савдо пайти; фирма дўконининг олд томонидан кўриниши; ишчан новвой Мукаррам Абдуллаева фирма нон дўконига ҳар кун иссиқ нонлар етказиб беришда фидойилик кўрсатляпти. М. Нуриддинов суратлари.

Пойтахт тоза бўладими?

© БЕКАТДА писта чақабтан Успиринга ўткинчи йўловчи танбех берди.

— Шу қилганимизни ҳисобга олганда ўзинг яхши йилгига ўхшайсан, уна. Оёқ остига писта пўчонини ташлаб яхши иш қилмасан. Бу ер — айна одамлар гавжум жой. Ҳар ким қўлидаги ортиқча чинқиндилар ташлаб кетаверса чор атроф аялмай уюмига айланб қолмайди.

Успириннинг ранги ўзгарди. Йўловчига еб қўйгудек тикилди.

— Нега менга ақд ўргатасан? — деди у туюқчи. — Шундан бошқа қиладиган ишингиз йўқми? Уйда, мактабда эшитган гапларинг етмагандек, энди кўчадагиларга қулоқ тутайми?

ПИСТА ПҶЧОҚ

ни одамларни тозалликка риоя этишга ўргатишдан бошлаш керак.

Ҳақ гап. Қўнчица биз бекат ёки кўчаларнинг иф-лослигиндан нолиймизу, уни содир этилмаслигига ўзимиз қанча ҳисса қўшимизга мумкинлигини ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Айрим йўловчилар қўлларидagi сизгарет қолдиқларини, музқаймоқ қутисини, писта пўчонини дуч келган жойга ташлаб кетаверишади. Бошқаларнинг меҳнати, чеккан захмати заррача бўлсада уларнинг ҳаёлига келмайди. Қолаверса, аҳоли гавжум жойларда албатта чинқиндилар ташлашга мўлжалланган қутилар қўйилган бўлади. Кошки эди, ундан фойдаланиш бировнинг ҳаёлига келса.

ТИББИЙ УСКУНА


© АМЕРИКАДАГИ «Тракор» фирмаси махсулоти бўлган формат-масс спектрометри қурилмаси муолажаларни олиб боришда муҳим тиббий асбоб сифатида кенг фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда спектрометр-намуналари серқуёш жумҳуриятимизда ҳам унумли қўлланила бошланди. ССЖИ Соғлиқни сақлаш вазирлиги иммунология илмгоҳининг ўзбекистон филиали мутахассислари учун ҳам бу мукаммал асбоб жуда қўл келди.

Унинг ёрдамида иммунология доир хариталар тузишга ладил киришилди. Йўлмуҳит аҳолиси нон тарқининг ўрганиш асосида бу хил хариталар учун етарли хужжат ва маълумотлар тўпланмоқда.

Аҳоли сикхат-саломатлигини таъминлаш йўлида хизмат қилувчи ушбу харита лўчи орада тўла қўлдан чиқарилади. С. ОДИЛОВА.





УРТА ОСИЕ бую ерларни узлаштириш бирлашмасида ишчи-хизматчиларнинг буш вақти кунгилиги ўтишига катта эътибор берилмоқда. Жамоада айниқса стол теннисини ширини бола кўлаб топилди. СУРАТДА: беллашува пайти. Р. Албеков сурати.

Шатранж оламида ДУРАНГЛАР ЗАНЖИРИ УЗИЛДИ

КЕЙИНГИ беш йил мобайнида Карпов билан Каспаров тахта ура шунчалик кўп баҳс юритдиларки, уларнинг қайси берида қандай воқеалар юз берганини аниқ айтиб бериш оддий муҳлис у ёқда турсин, ҳатто бу борада кўп мулоҳаза юритган мутахассисларнинг ҳам қўлидан келмаслиги турган гап. Аммо матчларда ўйналган 16-партиялар кўпчилигининг эсида қолганлиги муқаррар.



Шу ерда — оқлар — Каспаров ўзининг яқини 89-юртишни ёзиб қўйган эди.

Вазиятга раъм солинг. Оқлар жуда катта устуликка эга: тахтанинг чеккасига қисилиб қолган ва ҳеч қабарега юра олмайдиган отига қарши қора шохнинг еттичиги горизонтал бўйча кесиб қўйган руҳи бор. Бунинг устига марказда савлат тўкиб турган оқ филини айтмайсанми! Бундай қараганда қоралар дарҳол таслим бўлиши керакдек кўринади.



Низомга кўра Каспаров ўзининг яқини 41-юртишни ёзиб, каткидани бош қамага узатади.

Мусобақа якунланди

Жаҳон олимпиадалари дастурига шатранж мусобақалари кирмайдди. Лекин бу олимпиадалар тўрт йилда бир бор ўтказилса, мустақил шатранж олимпиадалари икки йилда бир мартадан бўлиб туради. Қуни-кеча Югославиянинг Нови-Сад шаҳрида ярим ойдан мўрқов дөвөм этган, эр-кавлар ўртасида 29-март, аёллар ўртасида эса 14-бор ўтказилган бутунжаҳон шатранж олимпиадаси ниҳоятда муваффақ бўлиб якунланди.

Мухаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ЎзССЖ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ХАЛҚ ИЖОДИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРИ ЖУМЎХУРИЯТ ИЛМИЙ-УСУЛБИЯТ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 13 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.30 ДА КЎЛГИ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР: «ҚИЗИҚЧИ—89» Жумхурият кўрик-беллашуви совриндори, бадий сўз устаси БОТИР МУҲАММАДУЖАЕВ

ЯНГИ ОВОЗЛАР: Шарқ кўшиқлари ижроси ОЛДУЗ ТАНГРИБЕРДИЕВА Жумхурият лапарчилар кўрик-беллашувининг совриндори ЕҚУТХОН РАҲМАТУЛЛАЕВА «ХОРАЗМ ГҮЛДАСТАСИ» ансамбли

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДАГИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҚ ЭКОЛОГИЯ ҚИШКИ БИНОСИДА 1990 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАН — 1991 ЙИЛ 10 ЯНВАРГАЧА «ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШТЛАРИ»

ТЕАТРАЛАНГАН АРЧА БАЙРАМИ Байрамда болалар қорбобо, қорқиз, фаршита, шайтонвачча, ялмоғиз кампир каби афсонавий қаҳрамонлар билан учрашадилар. Байрам либретлари, энг яхши шеър, қўшиқ ва рақс танловларида иштирок этадилар.

ШОШИЛИНГ, ШОШИЛИНГ, ШОШИЛИНГ!!! Олдидан патталар сотиш ташкил этилган ва нақд пулсиз ҳисоб бўйича жамоа бўлиб тушишга буюртмалар қабул қилинмоқда.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси негизидати

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 33-АВИАЦИЯ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БУШАТИЛГАН ИГИТЛАРИНИ ҚЎИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастурларнинг оператори, фрезерчи, учиб аппаратларининг йиғувчи-чилангарлари.

Ўқини мuddати — ойнага 75 сўм стипендия туланган ҳолда 6 ой.

МАШҒУЛОТЛАР ГУРУҲЛАР ТУЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ. Турар жойга эҳтиёжи бўлган йиғилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқини вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини битирганлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилдилар, аълочилар эса мамлакат олий ўқув юртиларига ўқишга юборилдилар.

Билим юртига кирувчилар қўидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумот тўғрисида аттестат, паспорт, 4x5, 3x5 см катталидаги 4 та фотосурат. Манзилиями: 700207, Тошкент шаҳри, генерал Петров кўчаси, 331-уй (30, 103, 110, 151, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номи билим юрти» бекати). Телефонлари: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИГА — рақамли дастур билан бошқариладиган дастурларнинг операторлари, автомат линиялар ва агрегатли дастурларнинг соловчи — операторлари, электрон системалар ва рақамли дастур билан бошқариладиган дастурларнинг соловчи — операторлари, назорат — ўлчаш асбоблари ва автоматиза бўйича чилангарлар, таъмирловчи — чилангарлар.

Завод шартнома асосида юқоридати касблар бўйича ходимларнинг малакасини ўзгартиради ва ўқитади. Таълим «КАМАЗ», «ВАЗ», «ГАЗ» ва ҳозирда турдоғи ишлаб чиқаришларда ўтказилади. Ўқини мuddати — 3 ойгача. Ўқини вақтида аввалги иш жойидати ўртача ойлик маоши сақланиб қўлади.


Ўқинида кейин иш ҳақи 200 сўмдан 500 сўмгача. 1991—92 йилларда ЗАВОД ХОДИМЛАРИ УЧУН «ВАХТ» МИКРОРАЙОНИ ҚЎРИЛАДИ. Елгилар ётоқхона билан таъминланадилар, 3—5 йил мобайнида ўй берилди. ХИЗМАТ АВТОБУСЛАРИ ҚАТНАВ ТУРИБДИ.

Манзилиями: Тошкент шаҳри, Оҳангарин поссееси, 2-уй, 110 «Б» автобус, 172-маршрутдан такси метронинг «М. Горький» станциясидан кетайди; «Тошкент мотор заводи» бекати («ВАХТ» қўни). Телефон 98-47-77.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА

10, 11 ДЕКАБРЬ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА «КАМОЛОТ—90» ЖУМЎХУРИЯТ КЎРИК ТАНЛОВИ ГОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИНГ ҲИСОБОТ ТОМОШАЛАРИ

Томошаларда «ҚИЗИҚЧИ — 90» танловининг совриндори СОҲИБ МАМАСОЛИЕВ иштирок этади.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА (Хадра майдони, 1-уй) 1990 ЙИЛ 22 ДЕКАБРДАН 1991 ЙИЛ 14 ЯНВАРГАЧА БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН! ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА «ЦИРҚДА АРЧА»

ЯНГИ ЙИЛ АРЧА БАЙРАМИ ТОМОШАЛАРИ Томошада Қорбобо, Қорқиз ва эртак қаҳрамонлар, шунингдек ўргатилган ҳайвонлар ҳам қатнашадилар. 22 декабрда — соат 16, 19.00 да. 23 декабрда — соат 12, 15, 18.00 да. 24—29 декабрда — соат 10, 12, 14.30, 17, 19.30 да. 30 декабрда — соат 17, 19.30 да. 31 декабрда — соат 17.00 да.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА 12 ДЕКАБРЬ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА ФАҚАТ БИР КҮН

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ, ҚЎШИҚЧИ ШОИР МУҲАММАД ЮСУФ БИЛАН

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛАДИ. Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори МАҲМУДЖОН АЗИМОВ

Исмоилжон Ғуломов МУХРИДДИН ХОЛИҚОВ Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори «КАМОЛОТ — 90» танлови голиби ОИБЕК СУЛТОНОВ

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори, «ҚИЗИҚЧИ — 89» танловининг голиби ОБИД АСОМОВ

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори Ғиёс БОЙТОВЕВ

Дастурни ДИЛҒУЗА ЮСУПОВА ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори МУСЛИМ ИҶЛДОШЕВЛАР олиб борадилар.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА 13 ДЕКАБРЬ СОАТ 16.00 ВА 19.00 ДА ФАҚАТ БИР КҮН

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ СОҲИБЛАРИ БЎЛГАН САЪНАТКОРЛАРИНИНГ ҲИСОБОТ ТОМОШАЛАРИ ҚАТНАШАДИЛАР:

Жумхуриятда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори: МАҲМУДЖОН АЗИМОВ, ЭЛМУРОД ИСЛОМОВ Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндорлари: Охунжон МАДАЛИЕВ, Ғиёс БОЙТОВЕВ, Мухриддин ХОЛИҚОВ, Сайёра ҒОЗИЕВА, Обид АСОМОВ, Маъмуржон ТҶУХТАСИНОВ, Салоҳиддин ЛУҒҒУЛЛАЕВ

Дастурни Дилфуза ЮСУПОВА ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори Муслим ИҶЛДОШЕВЛАР олиб борадилар.

Ўзбекистон ССЖ Маданият Вазириги М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА 14 ДЕКАБРЬ СОАТ 17.00 ВА 19.30 ДА НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ

Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист Дилмурод ИСЛОМОВ

артистлар: Моҳичеҳра ИСЛОМОВА, Раъно ЗОКИРОВА, Мухтарам ҚОРАТОВЕВА. Програмmani ўзини СИДИҚОВ олиб боради. Патталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилади.

«ЮБИЛЕЙ» СПОРТ САРОИИДА 28 ДЕКАБРЬ — 10 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ МУЗ УСТИДА ШАҲАР АРЧАСИ (совгалар билан) ТОМОШАЛАР

28 декабрда — соат 13, 15.00 да. 29, 30 декабрда — соат 11, 13, 15.00 да. 31 декабрда — соат 11.00 да. 1 январда — соат 13, 15.00 да. 2, 3, 4 январда — соат 11, 13, 15.00 да. 5, 6 январда — соат 11, 13, 15.17.00 да. 7, 8, 9, 10 январда — соат 11, 13, 15.00 да бошлади.

Ўзбекистон ССЖ Маданият Вазириги МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА

16, 24 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА ПРЕМЬЕРА

Раҳмат Азизхужаев, Ҳайдар Муҳаммад асари ТЕЛЬМАН ХАСАНОВ мусиқаси.

«КУЁВЛАР КОНКУРСИ» (Икки пардали комедия)

Сахнага қўювчи режиссер — АҲАД ФАРМОНОВ. ДИРИЖЕР — ЎзССЖда хизмат кўрсатган артист — ЭРҒАШ ТОШМАТОВ. Сахнага қўювчи рассомлар — СОБИР БЕКМАТОВ, РАШИД БАЙШЕВ, Концертмейстер — БЕЛЛА ЦЕПЕМАН. Рақсларни ЎзССЖда хизмат кўрсатган артист ШОКИР АҲМЕДОВ сахнага қўйган.

Режиссер ассистенти — РУСТАМ МАЪДИЕВ. Режиссер ердмачиси — МИРТОХИР ИСЛОМОВ. Спектанлда Ўзбекистон ССЖ халқ артистлари: ҲУСАН ШАРИПОВ, ФАРОАТ РАҲМАТОВА.

Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артистлар: МАҲМУДЖОН АЗИМОВ, НАИМА ПУЛТАОВА, АБДУҒОФИР АБДУРАҲМОНОВ, АДИБА МИРЗАЕВА.

Артистлар: МЕҲРИ БЕКЖОНОВА, ФАЙЗУЛЛА АҲМЕДОВ, РАВШАН СОЛИХОВ, РУСТАМ МАЪДИЕВ, АБДУШОИР САЛИМОВ, ГҮЛЧЕҲРА МИРЗАЖОНОВА, ЖАМИЛА ИҶЛДОШЕВА, ГҮЛЧЕҲРА ОБИДОВА, БОНР ХОЛМИРЗАЕВ ВА бошқалар иштирок этадилар.

БОШ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган санга арбоби НОСИР ОТАБОВЕВ

БОШ ДИРИЖЕР — Ўзбекистон ССЖ халқ артисти НАБИ ҲАЛИЛОВ. ЧИПАЛАР СОТИЛМОҚДА.

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИ 1 ЯНВАРДАН 10 ЯНВАРГАЧА

Янги йилга аталган сахна асари, Қорбобо ва Қорқизларнинг чиқиши «ҚИШИҚ ОЙНА ҚИРОЛЛИГИ»

Эртак спектаклари намойиш қилинади. Спектакль соат 11, 13.00 да бошланади. Корхона ва муассасалардан жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Касса соат 10 дан 19.00 гача ишлайди. Жаваб берувчи телефон: 44-56-52. Манзилгоҳими: Уйғур кўчаси, 2-уй.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ» В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА 27, 28 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА 29, 30 ДЕКАБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

«ҲАЗИЛ—2» ЯНГИ ПРОГРАММА ҚАТНАШАДИЛАР:

«ҚИЗИҚЧИ—89» кўригининг голиблари ва совриндорлари: ОБИД АСОМОВ, МИРЗА ХОЛМЕДОВ, ТҶУХТАМУРОД АЗИМОВ, СОБИТ АСОМОВ, БОТИР МУҲАММАДУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССЖ халқ артисти МАЛИКА АҲМЕДОВА

Ўзбек сеҳрағари, оригинал жанр устаси ФАРОҲ РАЖАПОВ ва бошқалар.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номи Давлат мукофотининг совриндори АБДУРАШИД РАҲИМОВ. Патталар соат 11.00 дан сотилади.

Тошсовет 50 йиллиги — «ҚИЗЛОҚ БУЛАДИ ДЕВ УМИД ҚИЛАЙЛИК» (16, 18.30, 21.00). Дружба — «КАНЗАС» (17, 18, 20, 20.40). Восток — «ЖАНОВ РОБИН ЗОН» (тоқ соатларда).

11 ДЕКАБРДА БАДИИЯ ФИЛЬМАНИ ЧАЙНА — «МУҲАББАТНИНГ СЎНГИ ДАЪВАТИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тошсовет 50 йиллиги — «ҚИЗЛОҚ БУЛАДИ ДЕВ УМИД ҚИЛАЙЛИК» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00). Дружба — «КАНЗАС» (11, 12, 14, 15, 17, 18.20, 20.40). Восток — «ЖАНОВ РОБИН ЗОН» (тоқ соатларда).

Жумхурият гастроль-концерт бирлашмаси «Ханда» иновдий маркази «Ханда» ансамблининг сатири ижроси Абдуфаттоҳ Саидова отаси Хусанбой САИДОВНИНГ зафот этганиги мусобаботи билан чуқур таъзия назор қилади.

16 ДЕКАБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМАЛАР: ЧАЙНА «МУҲАББАТНИНГ СЎНГИ ДАЪВАТИ» (16, 18.30, 21.00). И. Ерматов номи «КАНЗАС» (тоқ соатларда). Лисунов номи — «МАФИЯ НИНДЗЯГА ҚАРШИ» (тоқ соатларда).

«Вечерний Ташкент» — орган Ташкентского горного компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов. Мировиди Комитети нашриятини Меҳнат Қўли Байроқ ордени босмаханаси Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚИМОИ Манзилгоҳими: 700063, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32 53-76; хатлар — 33-29-70, 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83. Лишанбадан ташқари ҳар кунни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.